

улар номидан ҳаракат қилдиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакиллари) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни факат тарафнинг олдий қундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;


- уларга қонунчилик доирасида амалга оширишга хизматлари учун белгиланган ҳақ микдоридан асоссиз равишда тўловларни амалга оширмаслик.

5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қилдиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар буюлганлиги ҳолатлари ҳақида хабар беришганиги учун уларга таъйинқўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6. Атар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни буюлишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зўллик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондубузурликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки қўриб чиқилиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, беқор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

#### Имзолар:



### III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги ШК-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутка вақтлари бўйича табақалаштирилган тариф қўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг қуйидаги даврларида фойдаланилган энергия учун:

ярим тигиз давр - сутканинг ёрув вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тигиз давр - эрталабки ва кечки «энг катта микдор» (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкгамали соатларида: эрталабки «энг катта микдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг катта микдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш бўйича;

туғли давр - сутканинг қоронғи вақти (энг кам юкгамали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда камаовчи коэффициентни қўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланмаган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмаган ташкилотлар рўйхатида назарда тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Хукумат қарори билан белгиланган тариф қўлланилади.

3.3. Мажкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугатилган сўнг, Худудий электр тармоқлари қорхонасининг (кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) воқолатли шахси билан